

Сувайш каналини қазिश ғоясининг илк муаллифи ким эди?



17:43 / 25 июнь 1201

Ҳижрий 193 йилда Ҳорун ар Рашид Баҳрир Рум (Ўрта Ер денгизи) ва Баҳри Қулзум (Қизил денгиз)ни боғловчи канал қазишни ихтиёр қилган. Чунки бу канал орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурол-аслаҳаларни етказиб бериш осонлашар эди. Бироқ у Румликларнинг маркаблари Ҳижозга суқулиб кириб олишларига имконият бўлиб қолишидан ҳавотир олар эди.

Чунки улар бу ҳолда Макка ва Мадина шаҳарларига талончилик ҳужумларини амалга оширишлари, ҳажга йўл олган ҳожиларнинг кемаларига ҳамла қилишлари, алал оқибат Масжидул Ҳаромгача етишлари мумкин эди.

Шу сабабдан ҳам Ҳорун ар Рашид Макка Ҳарамининг ҳудудларини ҳимоя қилишни ҳамда Ислоннинг муқаддас ерларини муҳофазасига риоя қилган ҳолда, ушбу канални қазиш режасидан воз кечган эди.

Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг пешвоси Ҳорун ар Рашид Сувайш канали қазиш ҳақида фикр қилган биринчи шахсдир. Канални қазишни эса замонамизнинг бугунги тарихчилари бундан минг йиллар ўтиб бу ишга бош бўлган француз Лессепсга нисбат берадилар. Ушбу маълумотлар Масъудийнинг «Муруужиз заҳаби» ҳамда «Мухтасарил муфийди фий ахбарир Рошийди» асарида келтирилган.

Сувайш канали – Мисрдаги Ўрта Ер денгизи ва Қизил денгизларни боғловчи шлюзсиз юк ташиш канали. Канал ҳудуди икки қитъа – Африка ва Евросиё ўртасидаги шартли чегара ҳисобланади.

1855 йилда Франциялик дипломат Фердинанд Лессепс Усмонли Султонлиги томонидан тайинланган Миср ҳукмдори Муҳаммад Саид Пошшодан Сувайш каналини қазिश учун рухсатнома олади. Саид Пошшо канални қазिश учун Мисрда компания ташкил этилишига рухсат беради. Канал қурилиши бир неча йил давом этиб, 1869 йил 17 ноябрда очилган. Уни Британия ва Франция назорат қилган.

1956 йилда келибгина у Миср тасарруфига ўтган. Ўрта Ер денгизини Қизил денгиз билан боғлайдиган Сувайш каналининг дунё иқтисодиётида тутган ўрни жуда катта. Европадан Осиё, Африка ва Австралияга юборилаётган ёки аксинча йўналишда ташилаётган юкларнинг асосий қисми шу канал орқали ўтади.

Сувайш каналидан сўнги бир йилда 18-20 минг атропоид кема ўтяпти ва бу Миср бюджетига 6-8 миллиард доллар маблағ келтиряпти.



